

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНОВ ЮСУФ ҚУРБОНОВИЧ**

**ОЛТИНТОҒ КАОЛИНЛАРИНИ ПИШИШИДАГИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ  
ЖАРАЁНЛАР ВА “КАОЛИН-КВАРЦ-ДАЛА ШПАТИ”  
СИСТЕМАСИДА НАФИС КЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАР СИНТЕЗИ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар  
технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жуманов Юсуф Курбонович**

Олтинтоғ каолинларини пишишидаги физик-кимёвий жараёнлар ва “каолин-кварц-дала шпати” системасида нафис керамик материаллар синтези .....3

**Жуманов Юсуф Курбонович**

Физико-химические процессы спекания Алтинтауских каолинов и синтез тонкокерамических материалов в системе «каолин-кварц-полевой шпат»...21

**Jumanov Yusuf Qurbonvich**

Physicochemical processes of sintering kaolin's of Altintau and synthesis of fine-ceramic materials in the «kaolin-quartz- feldspar system».....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНОВ ЮСУФ ҚУРБОНОВИЧ**

**ОЛТИНТОҒ КАОЛИНЛАРИНИ ПИШИШИДАГИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ  
ЖАРАЁНЛАР ВА “КАОЛИН-КВАРЦ-ДАЛА ШПАТИ”  
СИСТЕМАСИДА НАФИС КЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАР СИНТЕЗИ**

**02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар  
технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/K316 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Эминов Ашрап Мамурович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Сидиқов Абдужалол Сидиқович</b> кимё фанлари доктори, профессор <b>Бабаев Забибулла Камилович</b> техника фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи танкилот:</b>	<b>Термиз давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 6 » январь 2022 йил соат 10<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а.  
Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanguz@mail.ru](mailto:ionxanguz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 22-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, e-mail: [ionxanguz@mail.ru](mailto:ionxanguz@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил « 24 » декабрдаги № 22- рақамли реестр баённомаси)



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**У.К. Ахмедов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., проф.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда бозор муносабатлари шароитида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва корхона функционал шароитларини турғун ташкил этиш учун маҳаллий хомашё материаллари таъминоти, жумладан керамик материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки хомашё материалларидан тайёрланган омухта таркибининг пишиш жараёни мураккаб бўлиб, кўп омиллар таъсирида куйдирилган керамика, жумладан чинни сополагининг функционал ва эксплуатацион хоссаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, дунёда чинни хомашёларида, асосан бойитилган каолиндан фойдаланиб, паст ҳароратда пишириш йўли орқали олинган чинни маҳсулотларининг куйдириш жараёнларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилган бўлиб, бу эса уларни ишлаб чиқаришнинг технологик режимларини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида, чинни материаллари ишлаб чиқаришда энергия ресурсларни минимал даражада сарфланиши ва пишишдаги технологик жараёнларни жадаллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, каолин, кварц қуми, дала шпати хомашё компонентлари асосидаги учламчи системада турли ҳароратлар оралиғида кечадиган физик-кимёвий ва куйдиришдаги пишиш жараёнларни бошқариш, дастлабки хомашё компонентларининг фазавий ўтишлари натижасида муллит, кварц, кристобалит сингари алюмосиликат минералларининг янги кристалл фазаларининг структураларини ҳосил бўлишига бошланғич компонентлар таркиби ва ҳароратнинг таъсирини асослаш, чинни сополагининг физик-механик хоссаларини ва уларни пиширишнинг мақбул режимларини аниқлашларни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада паст ҳароратда пишадиган чинни маҳсулотларининг технологик хоссаларини яхшилаш учун уларнинг пишиш жараёнларини тадқиқ этиш ва янги ноанъанавий таркибларини лойиҳалаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳалқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишига асосан «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни амалиётга жорий этишни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup>га қаратилган асосий вазифалар аниқланган. Бу борада, паст ҳароратда пишадиган чинни маҳсулотларини олиш ва янги хомашё компонентларидан фойдаланилгандаги алюмосиликат системаларнинг пишиш жараёнини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

Ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2016 йил 26 декабрдаги, ПҚ-2698-сон “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлардан маълумки, минерал хомашёлар каолин, кварц ва дала шпати асосидаги нафис керамик материаллар, хусусан чинни ва фаянс олиш анъанасига XVIII асрнинг бошларида асос солинган бўлиб, уларни систематик ўрганиш XX аср ўрталарида ривожлана борган. Бу борада етакчи олимлардан Будников П.П., Августиник А.И., Бережной А.С., Булавин И.А., Мороз И.И., Ахъян А.М., Масленникова Г.Н., Павлов В.Ф.ларнинг қўшган ҳиссалари беқиёсдир. Ушбу соҳада жаҳоннинг етакчи олимлари, жумладан, Schuller К.Н., Marzahl Н., Hennicke Н.В., Schwiete Н.Е., Brindley G.W., Nakahira М., Chakraborty А.К., Zogrofofu С., Miels А., Mortel Н., Stark R., Akihiko N., Shubert Н., Ibrahim D.M.ва бошқа тадқиқотчи олимларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, Материалшунослик институти, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент Давлат техника университети қошидаги “Фан ва тараққиёт” ДУК илмий-тадқиқот лабораторияларида маҳаллий анъанавий ва ноанъанавий каолин, гиллар ва бошқа табиий минерал хомашё ресурслари асосида ва турли хил саноат чиқиндиларидан фойдаланиб кўп мақсадларда ишлатиладиган керамик материаллар олиш бўйича Ўзбекистонда ўзига хос илмий мактаблар яратилган бўлиб, уларда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шу жумладан, Республикамиз олимлари Ф.Х.Таджиев, Н.А.Сирожиддинов, А.А.Исмамов, А.Х.Исмоилов, Р.И.Абдуллаева, А.М.Эминов, М.Ю.Юнусов, Д.И.Мақсудов, И.А.Азимов, А.П.Иркахожаева, З.Р.Қодирова, Б.Т.Сабилов ва бошқалар томонидан каолин, кварц куми, дала шпати асосида турли хоссаларга эга керамик материаллар синтези ва технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги минерал хомашё ресурсларнинг етарлича ўрганилмаганлиги сабабли, талаб даражасидаги етарлича сифатли бўлган нафис керамик буюмлар ишлаб чиқарувчи

корхоналар мавжуд эмас, балки сифатли чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди.

Шундай қилиб, маҳаллий минерал хомашё ресурслари асосида самарадор ва энергиятежамкор таркибли, талаб даражасидаги нафис керамик материаллари, хусусан паст ҳароратда пишадиган чинни маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги жараёнда кечадиган физик-кимёвий ва фазавий ўтиш жараёнларига оид технологик, амалий ва иқтисодий жиҳатларни тадқиқ этиш бўйича ишончли ва илмий асосланган маълумотлар етарли эмас.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170920189 “Норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни комплекс қайта ишлаш йўли билан иссиқликни ҳимояловчи-оловбардош ва керамик материалларнинг импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Олтинтоғ кони каолинларини пишишидаги физик-кимёвий жараёнларни аниқлаш ва “каолин-кварц-дала шпати” учкомпонентли системасида нафис керамик материаллар синтези асосида паст ҳароратда пишадиган чинни буюмлари олишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц қуми, Питов дала шпати конлари хомашёларидан иборат бўлган уч компонентли алюмосиликат системасида борадиган физик-кимёвий жараённи илмий таҳлил қилиш ва уларнинг керамик-технологик хоссаларини аниқлаш;

“каолин-кварц-дала шпати” системасидаги пишиш, фазавий ўзгариш жараёнлари ва қаттиқ фазадаги реакцияларни тадқиқ этиш учун тажрибавий чинни массаларнинг таркибларини ишлаб чиқиш;

чинни тажриба намуналарига юқори ҳароратда термик ишлов берилганда чинни структурасида кристалл ва шиша фазаларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш ҳамда чиннининг фазавий таркибини тайёр маҳсулотнинг физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказиш;

чинни массаси тажриба намуналарининг пишириш ҳароратини ўзгаришига «таркиб-структура-хосса» функционал боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

чинни тажриба намуналарининг физик-кимёвий, физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш;

чинни тажриба намуналарини ишлаб чиқариш шароитида синаш йўли билан тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш;

тадқиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Олтинтоғ кони каолинлари, Кўкаёз кони кварц қуми, Питов кони дала шпати каби хомашёлар ва чинни массасининг тажриба намуналари олинган.

**Тадқиқот предмети** паст ҳароратда пишадиган уч компонентли тизимдаги эвтектик нуқталарни аниқлаш орқали чинни массаларидан тайёрланган намуналарнинг пишиш жараёни, физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларини ўрганиш, лаборатория тадқиқотлари ва ишлаб чиқаришдаги тажриба синовларни бажариш йўли билан уларнинг мақбул таркиблари ва пишишдаги технологик режимларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида замонавий физик-кимёвий (кимёвий, минералогик, рентгеноспектрал, рентгенофазали, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, электрон-микроскопик ва растр электрон микроскопик) таҳлил ҳамда керамика технологиясининг анъанавий усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц куми, Питов дала шпати конларининг янги хомашёларига юқори ҳароратда ишлов берилганда содир бўладиган физик-кимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган кристалл фазаларнинг чинни технологик хусусиятларига таъсири ҳар томонлама ўрганилиб, муллит, кристобалит кристалларини нисбатан паст ҳароратда ҳосил бўлиши замонавий физик-кимёвий усуллар билан аниқланган;

«каолин-кварц-дала шпати» системада 1000-1300°C ҳарорат оралиғида гетероген фазадаги пишиш жараёнида синтез қилинган чинни намуналарида муллит, кварц ва кристобалитларнинг кристалл фазаларининг ҳосил бўлиши исботланган;

янги таркибдаги чинни намунаси фазавий микроструктураси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда синтез қилинган чинни намуналари анъанавий хомашёдан олинган маиший-хўжалик чинни буюмлари билан таққослаганда юқори механик ва эстетик хусусиятларга эга эканлиги аниқланган;

чинни фазавий таркибида ҳосил бўлган муллит кристалларининг игнасимон (иккиламчи) морфологияси анъанавий хомашёдан олинган чиннида ҳосил бўлган муллитга нисбатан тўлиқ шаклланганлиги аниқланган.

чинни массаси тажриба намуналарига термик ишлов беришда “таркиб-структура-хосса” функционал боғлиқлигига “каолин-кварц-дала шпати” системасида дисперслик даражасининг пишиш ҳарорати пасайишига ижобий таъсири аниқланган;

икки компонентли “каолин-кварц”, “каолин-дала шпати” ва “каолин-кварц-дала шпати” алюмосиликат системаларида паст ҳароратда пишадиган намуналарни синтези натижасида суюқланиш ҳароратининг эвтектик нуқталари ва мақбул таркиблар соҳаси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

чинни синтез қилишда асосий компонентлар сифатида ўрганилган маҳаллий Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц куми, Питов дала шпатларидан биргаликда фойдаланиш орқали кенг кўламда чинни маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари асосланган;

маҳаллий хомашёлар асосида маиший-хўжалик мақсадида ишлатиладиган чинни буюмларини синтез қилишда мақбул таркиблар ва паст ҳароратда пишадиган технологик режимлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** олинган натижалар физик-кимёвий тадқиқотнинг замонавий усулларини қўллаш орқали, ҳамда керамика технологиясининг тажриба синовлари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чинни материаллар таркибларини лойиҳалаштиришда янги кристалл фазаларнинг структура ҳосил бўлиш жараёнларига таъсири, шиша фаза ҳосил қилувчи сифатида дала шпатидан фойдаланиб, уч компонентли алюмосиликат системалар асосидаги чинни массаларнинг қаттиқ фазадаги пишиши ва олинган чинни намуналарининг физик-кимёвий, физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларининг ўзгариши хомашё компонентларининг тури, миқдори ва пишиш ҳароратига боғлиқлигини аниқлаш билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илк бор Навоий вилоятидаги Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц қуми ва шиша фаза ҳосил қилувчи сифатида Питов дала шпатидан фойдаланиб, паст ҳароратда пишадиган нафис керамик (чинни) материалларнинг мақбул таркиблари ва олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган. Ушбу амалий ечимлар хомашё базасини кенгайтириш, энергияни тежаш ва амалдаги стандарт талаблари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олтинтоғ кони каолинларини пишишидаги физик-кимёвий жараёнларни тадқиқ этиш ва «каолин-кварц-дала шпати» системасида нафис керамик (чинни) материаллари синтези орқали маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб, паст ҳароратда пишадиган таркибларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ноанъанавий маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқилган таркиб, ПЗ-20170920189 “Норуда хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида иссиқликни ҳимояловчи оловбардош ва керамика материалларининг импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳада қўлланма материал сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 19 мартдаги № 4/1255-843-сон маълумотномаси). Натижада, уч компонентли система асосидаги янги керамик массанинг мақбул компонент таркибларидан тайёрланган чинни намуналарини паст ҳароратда пишишидаги фазавий ўзгаришлар, кристалл фаза ва чинни структурасини ҳосил бўлишлари, пишиш жараёнида борадиган қаттиқ фазадаги кимёвий реакциялар лойиҳа доирасида илмий асосланган фундаментал маълумотлар олиш имконини берган;

тадқиқ этилган каолин, кварц, дала шпати асосида ишлаб чиқилган керамик масса таркиби “ART GLOSS GALLERY” ҚҚда 2023-2024 йилларда амалга ошириладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган (“ART GLOSS GALLERY” ҚҚнинг 2021 йил 2 декабрдаги 15/12 2021-6–сон

маълумотномаси). Натижада амалдаги стандарт талабларига жавоб берувчи, энергия тежамкор маҳсулотлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 10 таси республика ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси, МДХ ва хорижий мамлакатлардаги анъанавий каолин хомашё ресурсларининг тавсифи”** деб номланган биринчи бобида дунё миқёсида, жумладан Ўзбекистонда нафис керамика (чинни) материалларнинг таркибларини ишлаб чиқиш учун хомашё компонентларини танлаш, физик-кимёвий ва технологик ҳоссалари, синтез усуллари, қаттиқ фазада пишиш жараёнлари, фазавий ўтишлар ва пишиш режимида керамик сопалакда ҳосил бўлган кристалл фазаларнинг чинни структураси ҳосил бўлишига таъсири бўйича илмий-техник адабиётларда нашр этилган ишларнинг танқидий таҳлил натижалари келтирилган. Айниқса, каолиннинг керамика саноатидаги турли мақсадлардаги материаллар таркибини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикасининг ва дунё миқёсидаги керамика саноати корхоналарининг талаб ва таклифлари таҳлил қилинган. Чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили ва муҳокамаси асосида ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.<sup>2</sup>

Диссертациянинг **“Нафис керамика (чинни) намуналари бошланғич компонентларининг физик-кимёвий таҳлили ва керамик материалларни физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш усуллари. Фойдаланилган**


---

Муаллиф, диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун, кимё фанлари доктори, проф. З.Р.Кодировага ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

**асбоб-ускуналар”** деб номланган иккинчи бобда тажриба намуналарининг физик-кимёвий тадқиқининг замонавий усуллари, уларнинг технологик хусусиятларининг керамика массаси учун бошланғич хомашё компонентларининг таркиби ва миқдорига функционал боғлиқлигини аниқлаш учун фойдаланилган ускуна ва асбоблар келтирилган.

Тадқиқ этиш учун тажриба намуналари керамика технологиясининг яримқуруқ қолиплаш усули ҳамда пластик шакл бериш усули бўйича лаборатория печларида 900-1300°C ҳарорат оралиғида куйдириш йўли билан олинди. Сопалакнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва юқори ҳароратдаги фазавий ўтишлари физик-кимёвий таҳлил усуллари билан ўрганилди.

**“Олтинтоғ каолинларини қиздиришдаги физик-кимёвий ва фазавий ўзгариш жараёнлари. Паст ҳароратда пишадиган чинни таркибларини ишлаб чиқиш ва асосий хоссаларини тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобда Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц куми ва Питов дала шпатининг кимёвий, минералогик таҳлил натижалари асосида юқори ҳароратда кечадиган физик-кимёвий хусусиятлари тўғрисида олинган маълумотлар келтирилди. Ўрганилган бойитилмаган каолинларнинг ўртача кимёвий таркиби, масс. %: SiO<sub>2</sub>-58,55; Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>-20,1; TiO<sub>2</sub>-<0,30; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>-1,94; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-<0,5; MgO-1,71; CaO-3,2; Na<sub>2</sub>O-2,44; к.й.-7,95 бўлиб, турли худудларининг кимёвий минералогик хусусиятлари, қатламларнинг қалинлиги ва олинган концентратларнинг кимёвий-минералогик таркиблари келтирилган. Кондан олинган намунанинг минералогик таркиби рентгенфазавий таҳлил ёрдамида ўрганилди.



**1-Расм. Олтинтоғ каолини бошланғич намунасининг рентгенограммаси**

1-Расмда Олтинтоғ каолини бошланғич (бойитилмаган) намунасининг асосий дифракция чизиқларига мос келувчи каолинит  $d=0,711; 0,433; 0,414; 0,355; 0,256; 0,248; 0,233; 0,223; 0,199; 0,167; 0,149$  нм; кварц  $d=0,332; 0,425; 0,181; 0,166$  нм; мусковит (серицит)  $d=0,988$  нм; биотит  $d=0,423$  нм; гематит  $d=0,145$  нм минераллари борлиги аниқланди. Каолин намунасини қиздиришдаги жараёнларни ўрганиш учун дифференциал-термик таҳлилдан фойдаланилди.


2-Расмдан кўринадики, биринчи, кучсиз ифодаланган, эндотермик эффект, эркин сувнинг йўқотилишини кўрсатади. Кимёвий боғланган сув 450-850°C ҳарорат оралиғида каолин минералининг табиатига, кимёвий тузилишига ва қиздириш тезлигига боғлиқ равишда йўқолади. Кимёвий

боғланган сувнинг асосий миқдори (12-13%) 610°C га яқин ҳароратда, қиздириш давомийлиги 10-12 дақиқадан кам бўлмаганда йўқолади. Тез қиздирилганда сув қолдиқларини (1% дан камроқ) йўқотилиши 900-1000°C ҳароратда тугайди.



**2- Расм. Олтинтоғ каолини бошланғич намунасининг дифференциал-термограммаси**


Каолинитни дегидратацияланиш жараёни қуйидаги реакция бўйича метакаолинит ҳосил бўлиши билан боради:



Дегидратация жараёнини эндотермик эффекти эгри чизигида қайд этилган иссиқликнинг катта миқдорини ютилиши билан каолинитни икки қатламли панжарасидаги ўзгаришларнинг кристаллокимёвий жараёнлари деб кўрсатиш мумкин. 900-1050°C оралиғидаги (2-эгри чизик 1045°C даги, 2-расм.) биринчи экзотермик эффектни каолинит қолдиғини кристалл панжарасининг қайта тузилиши, метакаолинитни эркин оксидларга бўлган парчаланиши, кремний-кислородли тетраэдр ўртасидаги боғларни узилиши ва  $\text{Al}^{4+}$ -  $\text{Al}^{6+}$  ионларининг координацион сонларини қисман ошиши изоморф  $\gamma$ -глинозём ҳосил бўлиши ва унинг интенсив кристалланиши билан тушунтириш мумкин.

Олтинтоғ каолин кони намунасининг юқори ҳароратлардаги 3-расмдаги рентгенограммасидан кўриниб, турибдики, 900°C ҳароратда асосан кварц заррачаларининг, дифракция чизиклари намоён бўлиб, шу ҳароратда гематит ва мусковит минералларининг дифракцион кўриниши, яққол акс этади ва 1300°C да қолдиқ кварц, дала шпати ва мусковит ўзининг кристалл тузилишини сақлайди. Ҳароратни 1300°C гача кўтарилганда, қолдиқ кварц, дала шпати дифракция чизиклари билан биргаликда, муллит ва кристобалит, минералларининг эгри чизикларининг яққол кўриниши пайдо бўлади. 1450°C ҳароратда эса, кристалл фазалар тўлиқ шаклланганлигини кўриш мумкин. Ҳарорат кўтарилгани сари дифракцион максимумлар сони ҳам кескин ортиб боради. 1450°C ҳароратда муллит минералига ( $d=0,54$ ;  $0,336$ ;  $0,2270$ ;  $0,220$ ;  $0,211$ ;  $0,152$  нм),  $\alpha$ -кристобалит минералига ( $d=0,404$ ;  $0,313$ ;  $0,284$ ;  $0,188$  нм),  $\beta$ -кристобалит минералига ( $d=0,253$  нм),  $\alpha$ -тридимит минералига ( $d=0,407$ ;  $0,169$  нм) ҳамда жадеит минералига тегишли дифракция максимумлари аниқ кўринади. Бунда қолдиқли кварц кристалларининг интенсивлигининг бирмунча пасайиши, тридимит ва жадеит минералларнинг дифракцион чизикларининг пайдо бўлиши, хомашё таркибида дала шпати кўринишидаги альбит минералининг мавжудлигидан далолат беради.

Бир қатор кварц-каолинли жинс (хомашё)ни намуналарини минерал ресурслар институти (ИМР) лаборатория шароитида сув билан ювиш усулидан фойдаланилиб, бойитиш натижасида йирик ўлчамдаги жинсларни йўқотишга эришилди.



**3-Расм. Куйдирилган Олтинтоғ каолини бошланғич намуналарининг рентгенограммалари**

Каолинли концентратларнинг донадорлик таркибидан кўриниб турибдики, таркибдаги темир оксидларининг миқдори бойитилгандан кейинги кумли фракциянинг таркибидан икки баробардан юқори эканлигини кўриш мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Олтинтоғ каолинлари таркибида темир кўпроқ гематит кўринишида майин дисперс кўринишга эга. Фракциялар бўйича 2 ҳил каолинли концентратларнинг таркиби 1-жадвалда келтирилган.

**1-Жадвал**

**Фракциялар бўйича каолинли концентратларнинг кимёвий таркиби**

Намуналар	Фракциялар ўлчами, мм	Компонентларнинг масса миқдори, масс.%									
		к.й.	SiO <sub>2</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	TiO <sub>2</sub>	CaO	MgO	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	SO <sub>3</sub>
№1	0,01-0,005	13,14	44,95	2,21	36,62	0,44	1,20	<0,10	0,65	0,56	<0,10
	0,005- 0,001	19,03	43,02	2,18	36,01	0,43	1,37	<0,10	1,03	0,63	<0,10
	<0,001	16,02	42,09	2,30	35,80	0,51	1,46	<0,10	1,15	0,36	<0,10
№2	0,01-0,005	13,47	45,20	2,16	36,23	0,44	1,26	<0,10	0,69	0,46	<0,10
	0,005- 0,001	14,33	44,92	2,22	35,65	0,43	1,18	<0,10	0,96	0,31	<0,10
	<0,001	14,30	43,80	2,39	35,40	0,46	1,30	<0,10	0,98	0,35	<0,10


Бойитиш жараёни эффекти каолин таркибдаги Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, SiO<sub>2</sub>, Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> оксидларнинг миқдори билан баҳоланади. Каолинларни бойитишда коагулянт сифатида, Са(ОН)<sub>2</sub>, СаСl<sub>2</sub>, КМЦ ва ПАА лардан фойдаланилди.

КМЦ, ПАА ва коагулянтсиз бойитилган каолин намуналари тенг миқдордаги 50 граммли каолин намуналарига бўлиб 500 мл 10% ли НСl кислотата, пульпа ММ-3 маркали магнитли аралаштиргичда қайта ишланди.

Юқорида келтирилган коагулянтлар кўшиб бойитилган каолин намуналарининг оқлик даражаси 75-80% ни ташкил қилди. Қайнатиш усулида олинган бойитилган каолиндаги Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> ни масса миқдорини 1,0-1,5% гача

камайтишига эришилди. Гидротермал усулда олинган бойитилган каолиндаги  $Fe_2O_3$  ни масса миқдори 0,5-1,0% гача камайганлиги тажрибалар орқали аниқланди.


Микробиологик усулда, бойитилган каолиннинг минерологик таркибидан кўриниб турибдики, каолинит минералининг дифракция чизиқлари интенсивлиги юқори кўрсаткичга эгадир. Бунга сабаб, каолин бойитилгандан сўнг, 5% гача эркин кварц аралашмасига эга бўлиб, сарғиш кулранг кўринишда бўлади (4-расм).



**4-Расм. Микробиологик усулда бойитилган Олтинтоғ кони каолини намунасининг рентгенограммаси**

Оддий шароитда бойитилган, Олтинтоғ каолинининг 900°C ҳароратда куйдирилганда бойитилган каолиндаги каолинит минерали октаэдр шаклидан, аморф ҳолатидаги тетраэдр шаклга ўтганлиги сабабли, унинг интенсивлиги бирмунча камайганлиги кузатилди. Шу сабабли диаграммада намуна таркибидаги кварцнинг дифракция чизиқларини 62% гача ортганлигини, мусковитнинг дисперс ҳолатдаги кўриниши серицитнинг 24% гача, гематитнинг 8% гача ортганлигини кўриш мумкин.

Бойитилиб, 1150°C ҳароратда куйдирилган, Олтинтоғ каолин кони намунасининг х500 катталаштирилгандаги растр-электрон микроскопдаги кўриниши ва элемент таҳлили натижалари 5-расмда келтирилган.




**5-Расм. Бойитилиб куйдирилган, Олтинтоғ кони каолини намунасининг растр-электрон микроскопдаги кўриниши (кат.х500) ва элемент таҳлили:**

*a); b); c); -намунанинг қуйи; ўртаси; юқори томонидан олинган тасвирлари*

5-Расмдан кўриниб, турибдики бойитилган каолин пиширилганда, криптокристалл тузилишга эга бўлган, микроструктуравий ўзгаришга


учраганлигини кўришимиз мумкин. Бунда 1250°C ҳароратда муллит кристалларининг ҳосил бўлганлигини кузатилади.

Бойитилган Кўкаёз кварц қумининг юқори ҳароратлардаги фазавий ўзгаришлари 6-расмдаги рентгенограммаларда келтирилган.



**6- Расм. Бойитилиб куйдирилган Кўкаёз кварц қуми намуналарининг рентгенограммалари**

Кварцнинг тегишли текисликларо масофаси  $d=0,426; 0,334; 0,246; 0,228; 0,213; 0,197; 0,181; 0,167; 0,165$  нм учун характерлидир. 1450°C ҳароратда тоза кварцда  $d=0,402; 0,284; 0,248$  нм текисликларо масофада кристобалит минералининг кучли рефлекслари пайдо бўлади.



**7-Расм. Куйдирилган Питов дала шпати намуналарининг рентгенограммалари**

Питов дала шпатининг юқори ҳароратлардаги рентгенограммаларидан кўриниб турибдики, дала шпатига тегишли бўлган минераллар 900-1450°C ҳароратларнинг биронтасида кузатилмайди. Бунга сабаб, дала шпати таркиби асосан калий ва натрийли дала шпатларига тегишли бўлиб, ҳаттоки 900°C ҳароратда ҳам аморф ҳолатга ўтиши натижасида дифракция эгри чизиклари кузатилмайди. 900°C ҳароратда кучсиз интенсивликда, муллит кристалларининг пайдо бўлишини кўришимиз мумкин. Ҳарорат 1450°C га кўтарилиши билан массада муллит ва кварц кристалларининг йўқотилиши

кузатилади ва тўлиқ аморф шиша фазага ўтиши натижасида дифракция чизиқлари деярли кўринмай қолади (7-расм).

## 2-Жадвал

### Ўрганилган хомашё материалларининг кимёвий таркиби

Компонент-лар	Оксидларнинг миқдори, масс.%										Йиғинди
	SiO <sub>2</sub>	TiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	MgO	CaO	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	SO <sub>3</sub>	к.й.	
Олтинтоғ каолини	51,12	0,15	33,83	0,8	0,56	0,49	0,47	1,32	0,21	12,02	100,00
Кўкаёз кварц қуми	98,06	0,02	0,1	0,02	0,1	0,26	0,27	0,13	0,24	1,26	100,00
Питов дала шпати	65,14	0,03	18,12	0,22	0,2	0,39	2,75	13,10	0,01	0,03	99,99

Чинни таркибидаги хомашёни янги ўрганилган хомашёларга алмаштиришда тажрибавий чинни массаларининг шихта таркибини ҳисоблаш проф. Г.Н.Масленникова усули бўйича амалга оширилди.

## 3-Жадвал

### Тажрибавий керамик массаларининг омухта таркиблари

Масса номланиши	Тажрибавий чинни массаларининг омухта таркиблари, масс.%			
	Олтинтоғ каолини	Кўкаёз кварц қуми	Питов дала шпати	Сумма
1-ЧМ	50	22	28	100
2-ЧМ	44	32	24	100
3-ЧМ	30	20	50	100
4 -ЧМ	43	9	48	100
5 -ЧМ	33	23	44	100
6-ЧМ	20	30	50	100
7-ЧМ	40	30	30	100
8-ЧМ	35	25	40	100
9-ЧМ	44	12	34	100
10-ЧМ	38	25	22	100

Ўрганилган хомашёларнинг кимёвий таркиби ҳақида олинган маълумотлар асосида (2-жадвал), тажриба чинни массаларининг кимёвий таркиблари ҳисобланди (3-жадвал). Маҳаллий хомашё асосида тажрибавий чинни массаларининг кимёвий таркибини ҳисоблаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Тажриба чинни массалари таркибидаги тошсимон компонентларини лаборатория шарли тегирмонида 006 рақамли элакдан ўтказилганда 0,8-1,0% қолдиқ қолгунга қадар майдаланди. Талаб даражасида майдаланган хомашёлар асосида 10 та тажриба массалари ишлаб чиқилди ва уларнинг физик-механик ҳамда технологик хоссалари аниқланди.

Асосий физик-механик ва технологик хоссалари энг юқори бўлган чинни массалари ажратиб олинди. Бу ажратиб олинган оптимал таркибли

массаларнинг структура тузилишининг тайёр маҳсулот хоссаларига боғлиқлигини замонавий физик-кимёвий таҳлиллар асосида тадқиқ этилди.

#### 4-Жадвал


#### Тажрибавий чинни массаларининг кимёвий таркиби

Масса номла-ниши	Оксидларнинг миқдори, масс. %;								к.й.	КК	$\frac{R_2O_3}{R_2O + RO}$
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> - FeO	TiO <sub>2</sub>	CaO	MgO	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O			
1-ЧМ	69,24	19,42	0,72	0,21	0,41	0,32	2,74	0,58	6,36	1,809	3,573
	73,94	20,74	0,77	0,23	0,43	0,35	2,92	0,62	-	1,812	3,650
2-ЧМ	68,99	19,47	0,68	0,20	0,41	0,34	2,93	0,61	6,37	1,796	3,447
	73,57	20,85	0,72	0,23	0,48	0,37	3,12	0,66	-	1,789	3,424
3-ЧМ	68,39	19,78	0,56	0,18	0,47	0,40	2,68	0,55	6,99	1,766	2,583
	72,38	22,22	0,61	0,22	0,54	0,43	2,97	0,63	-	1,666	3,610
4-ЧМ	67,64	20,30	0,57	0,18	0,49	0,41	2,85	0,58	6,98	1,697	3,491
	72,57	21,87	0,61	0,20	0,53	0,44	3,16	0,62	-	1,697	4,514
5-ЧМ	65,41	22,11	0,50	0,16	0,56	0,38	3,28	0,85	6,75	1,634	3,398
	70,13	23,71	0,54	0,18	0,60	0,41	3,52	0,91	-	1,637	3,422
6-ЧМ	69,23	19,73	0,63	0,18	0,53	0,43	3,32	0,72	5,23	1,758	2,973
	73,06	20,82	0,66	0,20	0,56	0,45	3,50	0,75	-	1,753	2,979
7-ЧМ	69,70	18,80	0,79	0,24	0,34	0,25	2,64	0,57	6,67	1,888	3,861
	74,53	20,30	0,85	0,26	0,36	0,27	2,82	0,61	-	1,870	3,891
8-ЧМ	68,94	19,49	0,79	0,25	0,31	0,24	2,48	0,52	6,98	1,817	4,260
	74,12	20,95	0,85	0,27	0,33	0,26	2,66	0,56	-	1,814	4,263
9-ЧМ	69,16	19,48	0,78	0,25	0,30	0,23	2,40	0,50	6,90	1,832	4,402
	74,28	20,93	0,84	0,27	0,32	0,25	2,57	0,54	-	1,829	4,425
10-ЧМ	66,73	21,48	0,70	0,27	0,48	0,31	2,98	0,78	6,27	1,720	4,382
	71,20	22,91	0,76	0,29	0,51	0,32	3,18	0,83	-	1,719	4,352

Диссертациянинг “Чинни массаси намуналарининг пишиш жараёнида кристалл фаза структурасининг ҳосил бўлиши ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш” деб номланган тўртинчи бобида “каолин-кварц-дала шпати” системасида чинни буюмлари олиш соҳалари аниқланган ҳамда “ART GLOSS GALLERY” ҚК шароитида чинни массаси учун уч компонентли алюмосиликат системасида яратилган таркибларни ишлаб чиқариш шароитида тажриба синовлардан ўтказилганлик натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган таркиблардаги чинни массаси намуналарини кислоталик коэффицентининг (КК) қийматига кўра 1-ЧМ, 2-ЧМ, 5-ЧМ, 8-ЧМ, 9-ЧМ массалари КК қийматига кўра ( $\kappa=1,26 \div 1,65$ ) хўжалик чиннига, 4-ЧМ, 10-ЧМ қаттиқ чиннига ( $\kappa=1,1 \div 1,3$ ) ва 6-ЧМ ( $\kappa=1,63 \div 1,75$ ) массаси юмшоқ чиннига, 5-ЧМ ( $\kappa=1,4 \div 1,5$ ) эса фаянсга тегишли қийматга мос келади.

Бу қийматларга (КК) мос равишда 8-расмда келтирилган алюмосиликат системаси диаграммасида нафис керамик материаллари олишга мос келувчи соҳа аниқланди.



**8-Расм. Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц қуми, Питов дала шпати системасидаги нафис керамик материалларни олиниш соҳаси**


Одатда, бойитилган Ангрен иккиламчи каолини тажриба масса таркибларида қовушқоқловчи компонент сифатида фойдаланилади.

**5-Жадвал**

**Синовдан ўтказилган мақбул чинни массаларининг омухта таркиби**

Хомашё материаллари	Массалар таркиби, масс.% да		
	Самарқанд ЧМ	3-МЧМ	5-МЧМ
Бирламчи Ангрен каолини, АКС-30	20	-	10
Иккиламчи бойитилган Ангрен каолини	47	-	-
Лянгар пегматити	23	-	-
Олтинтоғ бойитилган каолини	-	40	30
Кўкаёз кварц қуми	-	25	25
Питов дала шпати	-	20	20
Ангрен қора каолинитли глинаси	-	11	9
Биринчи пиширишдан кейинги чинни чиқиндилари (1250°C)	10	4	6
100% дан ташқари қўшилган ССБ	1,0	1,0	1,0

Изоҳ: Самарқанд ЧМ (Самарқанд чинни заводи массаси)



**9-Расм. 1150 °C ҳароратда куйдирилган 3-МЧМ намунасининг растр-электрон микроскопдаги кўриниши (кат, x500) ва элемент таҳлили: а); б); в); -намунанинг қуйи; ўртаси; юқори томонидан олинган тасвирлари**

1150°C ҳароратда куйдирилган 3-МЧМ намунасининг растр-электрон микроскопдаги микротасвирдан кўринадикки, йирик кварц кристаллари ва

фоваклар ораси дала шпати суюқланмаси билан қопланган, муллитнинг кристаллари яхши кристалланган.

Паст ҳароратда пишадиган чинни олишнинг ишлаб чиқаришдаги тажриба синови ва олинган натижаларни амалиётга жорий этиш “ART GLOSS GALLERY” ҚК ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синовларга кўра, яратилган мақбул таркибли керамика, яъни 3-МЧМ ва 5-МЧМ (5-жадвал) массаларидан олинган чинни буюмлари физик-механик ва технологик хоссаларига кўра ГОСТ 28390-89 талабларига жавоб беради (6-жадвал).

#### 6-Жадвал

#### Чинни намуналарининг физик-механик ва технологик хоссалари

Чинни намуналарининг хоссалари	Кўрсаткичлар			ГОСТ 28390-89
	Самарқанд ЧМ	3- МЧМ	5- МЧМ	
Куйдириш ҳарорати, °С	1320-1350°С	1280-1320°С	1280-1320°С	-
Сув шимувчанлиги, %	0,25	0,05	0,05	0-0,5
Умумий қисқариши, %	14,0	13,5	14,5	-
Ҳажмий масса, г/см <sup>3</sup>	2,34	2,35	2,40	2,25-2,42
Статик эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	75	94	93	70-90
Оқлик, %: сирланмаган	55	64	66	55
Иссиқбардошлик, иссиқлик алмашиш сони	8-9	11	10	8

“ART GLOSS GALLERY” ҚК шароитида ўтказилган синовлар натижасида Олтинтоғ каолинларидан (бойитилгандан кейин) истиқболли, илгари фойдаланилмаган хомашё сифатида ишлатилганда ишлаб чиқилган чинни массаларининг нисбатан паст ҳароратда (1280-1300°С) пишиши натижасида юқори сифатли маиший-хўжалик чинни буюмлари олиш имкониятлари аниқланди. Ҳароратни 30-50°С га пасайиши ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш, шунингдек, керамика материаллари саноатининг хомашё базасини кенгайтириш имконини беради.

#### ХУЛОСА

1. Илмий тадқиқот ва тажриба натижалари асосида Олтинтоғ каолини, Кўкаёз кварц куми, Питов дала шпати хомашё ресурсларининг кимёвий ва минералогик таркиблари ҳамда керамик-технологик ва физик-механик кўрсаткичлари бўйича нафис керамика (чинни) буюмлари олиш учун яроқли эканлиги асосланди.
2. Олтинтоғ каолинларининг кимёвий-минералогик таркиби ва керамик-технологик хоссаларини комплекс ўрганиш асосида, таркибида каолинит, кварц, дала шпати, монтмориллонит, серицит каби юқори ҳароратларда фазавий ўзгаришларга эга бўлган минераллар мавжуд эканлиги аниқланган. Каолиннинг 900-1450°С ҳарорат оралиғидаги фазавий ўзгаришлари тадқиқ

этилганда, структурасининг гетероген фазадан иборат бўлганлиги, кристалл фаза сифатида муллит ва кристобалит минералларидан ташкил топганлиги аниқланди.

3. Питов дала шпатининг кимёвий-минералогик таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижасида, дала шпатининг асосий жинс ҳосил қилувчи минераллари микроклин ва кварц бўлиб, таркибидаги ишқорий оксидларнинг миқдорларига кўра калийли дала шпати ҳисобланади. Ушбу ноёб хомашё шишафаза кўринишидаги қовушқоқ суюқланма ҳосил қилувчи компонент сифатида ва амалдаги талабларга тўлиқ жавоб берадиган нафис керамика (чинни) буюмлари ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.
4. Фойдаланилган хомашё ресурслари асосида синтез қилинган чинни намуналарининг структура ҳосил бўлиш жараёни замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқ этилган ва чинни структурасида унга мустақамлик, зичлик ва юқори эстетик хоссаларни берувчи муллит, кварц ва кристобалит кристалл фазалари ҳамда улар орасини тўлдирувчи шишафазадан иборат эканлиги исботланди.
5. “Каолин-кварц куми-дала шпати”, алюмосиликат системасида чинни намуналарининг тўлиқ пишиш жараёни 1280-1300°C ҳарорат оралиғида бўлиб, бу амалдаги чинни маҳсулотини пишириш ҳароратига нисбатан 30-50°C гача паст бўлиши аниқланди.
6. “Каолин-кварц”, “каолин-дала шпати” ва “каолин-кварц-дала шпати” алюмосиликат системаларида паст ҳароратда пишадиган намуналарни олиш учун суюқланиш ҳароратининг эвтектик нуқталари ва мақбул таркиблар соҳаси аниқланган, ҳамда чинни массаси тажриба намуналарига термик ишлов беришдаги “таркиб-структура-хосса” функционал боғлиқлигига пишиш ҳароратининг таъсири кўрсатилган.
7. Янги минерал хомашёлар асосида чинни буюмлари олиш учун бир қатор омукта таркиблари лойиҳалаштирилган. Паст ҳароратда пишадиган чинни массалари омукта таркибларининг кислоталик коэффицентлари ҳисоблаб топилган ва чинни намуналарининг физик-механик ҳамда технологик хоссалари асосида яратилган чинни массаларининг мақбул таркиблари тавсия этилган.
8. Олинган илмий натижалар алюмосиликат системаларида чинни структурасида юқори ҳароратда бўладиган фазавий ўтиш жараёнларини физик-кимёвий тадқиқ этиш бўйича қўлланма материал сифатида фойдаланиш ва амалиётда эса ноанъанавий истиқболли хомашё ресурслари асосида керамик материаллар таркиблари ва энергиятежамкор инновацион технологияларини яратиш орқали иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкинлиги кўрсатилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ЖУМАНОВ ЮСУФ КУРБОНОВИЧ**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ СПЕКАНИЯ  
АЛТИНГАУСКИХ КАОЛИНОВ И СИНТЕЗ ТОНКОКЕРАМИЧЕСКИХ  
МАТЕРИАЛОВ В СИСТЕМЕ «КАОЛИН-КВАРЦ-ПОЛЕВОЙ ШПАТ»**

**02.00.15- Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/K316.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz.)

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Эминов Ашрап Мамурович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сидиков Абдужалол Сидикович</b> доктор химических наук, профессор <b>Бабаев Забибулла Камилович</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Ведущая организация</b>	<b>Термезский государственный университет</b>

Защита состоится « 6 » января 2022 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019..K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел.: (99871) 262-56-60; email: ionxanruz@mail.ru.

Диссертация зарегистрирована в библиотеке Института общей и неорганической химии за № 22, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел: (99871) 262-56-60)

Автореферат диссертации разослан « 24 » декабря 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №22 от « 24 » декабря 2021 г.)



**Б.С.Закиров**  
Председатель разового научного совета по присуждению  
учёной степени доктора наук, д.х.н., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Ученый секретарь разового научного совета по присуждению  
учёной степени доктора наук, д.т.н., проф.

**У.К. Ахмедов**  
Председатель разового научного семинара при Научном совете  
по присуждению учёной степени доктора наук, д.х.н., проф.

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в условиях рыночных отношений обеспечение местными сырьевыми материалами при производстве высококачественных продукции и устойчивая организация функциональных режимов предприятия, в частности, в развитие производства керамических материалов, является одним из важных направлений. Потому что, процесс спекания шихтового состава, подготовленного из сырьевых материалов, является сложным процессом и имеет важное значение в определении функциональных и эксплуатационных свойств обожженной керамики, в частности фарфорового черепка под воздействием многих факторов. Следовательно, во всём мире уделяется особое внимание изучению процессов обжига фарфоровых изделий из фарфорового сырья, в основном с использованием обогащенного каолина, путём определения процессов спекания при низких температурах, имеющее важное значение при разработке технологических режимов их производства.

В мировом масштабе ведутся исследования по уменьшению расхода энергетических ресурсов при производстве фарфоровых изделий и ускорению технологических процессов при обжиге. В этой связи, уделяется особое внимание управлению физико-химических процессов и выбора обжига сырьевых компонентов, так как, каолина, кварцевого песка, полевого шпата в трёхкомпонентной системе в интервале различных температур; обоснованию влияния состава и температуры исходных компонентов на формирование новых кристаллических фазовых структур алюмосиликатных минералов, таких как муллит, кварц, кристобалит, в результате фазовых переходов компонентов исходного сырья; обоснованию определению физико-механических свойств фарфора и оптимальных режимов их обжига.

В Республике проводятся широкомасштабные мероприятия по исследованию процессов спекания фарфоровых изделий для улучшения технологических свойств и достигнуты определённые научные и практические результаты по проектированию новых нетрадиционных составов. В стратегии действий по дальнейшему развитию в Республики Узбекистан поставлены задачи по «стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»<sup>1</sup>. В связи с этим, исследование получения фарфоровых изделий, спекающийся при низких температурах и процессов обжига тонкокерамических материалов с использованием новых сырьевых компонентов имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года,

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3698 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» от 7 мая 2018 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2698 «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017 - 2019 годы» от 26 декабря 2016 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 «О Программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы» от 23 августа 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химическая технология и нано технология».

**Степень изученности проблемы.** Как известно из литературы, традиция получения тонкокерамических материалов на основе минерального сырья каолина, кварца и полевого шпата, в частности традиция получение фарфора и фаянса, началась в начале XVIII века, и их систематическое изучение начала развиваться с середины XX века. В этой области вклад ведущих учёных, таких как П.П.Будников, А.С.Бережной, А.И.Августиник, И.А.Булавин, И.И.Мороз, Ахъян А.М., В.Ф.Павлов, Г.Н. Масленникова очень велика. Исследовательские работы в этой сфере ведущих мировых учёных, таких как Schuller K.H., Marzahl H., Hennicke H.W., Schwiete H.E., Brindley G.W., Nakahira M., Chakraborty A.K., Zogrofofu C., Miels A., Mortel H., Stark R., Akihiko N., Shubert H., Ibrahim D.M. и других исследователей достойны внимания.

